

УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД САДР АШ-ШАРИЪА АЛ-БУХОРИЙНИНГ ҲАНАФИЙ ФАҚИҲИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХАНАФИТСКОГО ФАКИХА УБАЙДУЛЛЫ ИБН МАСУДА САДР АШ-ШАРИА АЛЬ-БУХАРИ

THE ACTIVITY OF UBAYDULLAH IBN MASUD SADR AS-SHARI'A AL-BUKHARI AS A HANAFI FAQIH

Nematulloh NASRULLAEV
INTERNATIONAL ISLAMIK ACADEMY OF UZBEKISTAN
Doctor of Historical Sciences
Department History and Sousee
Studies of Islam-IRCICA
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
n.nasrullaev@iiiau.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2023/4/2

Аннотация: Садр аш-шариъа фаолият Мовароуннахрда исломнинг қора доғли ва тартибсизликлар авж олган, олимлари қатл этилиб, китоблари ёқилган даврига тўғри келди.

Ушбу мақоладаги мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги муаммолари Садр аш-шариъанинг ўз илми ва асарлари билан танилгани, Мотуридийлик ҳанафийлик йўлини маҳкам тутгани ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан оғир даврларда ҳам илми ёйиш мақсадида ўз ҳаракатларидан асло тўхтамаган мумтоз бир мужтаҳид сифатида ўрганилиши билан боғлиқ.

Мовароуннахрда бу тартибсизлик қарийб юз эллик йил давом этди. XIV асрнинг биринчи ярми мана шу инқирозларнинг охириги даври бўлиб, бир томондан нисбий бўлса-да ривожланиш, иккинчи томондан меҳнаткаш оммани турли йўллар билан эзиш ортиб боргани кузатилди.

Бугунги кунда Бухородан етишиб чиққан олимларнинг илмий маънавий меросини ўрганиш туфайли, минтақанинг илм-фандаги барча ютуқлари ўз исботини топмоқда. Тадқиқотларга кўра, бухоролик фақиҳларнинг самарали ижодлари туфайли минтақадаги маданий-маърифий анъаналар тўла сақлаб қолгани маълум бўлмоқда. Улар қолдирган илмий мерос аجدодлар фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ана шундай аждодлардан бири, Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуддир. Олим ўзининг сермахсул хизмати орқали ислом дини манбалари орасида ўчмас из қолдирди.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ижод фаолияти айнан мўғуллар истилоси даврига тўғри келганлиги шунингдек, ўша даврда мўътазиллий, қадарий, жабарий, қарматий каби турли ботил оқимлар таъсири кучайгани учун муаллиф ёзма матнларни тасниф этишида енгил ва

тез қабул қилиб, мустаҳкам ўзлаштириш услубларини инобатга олгани табиий. Чунки, мўғуллар даврида илм ва маърифатнинг сусайиши ҳатто одамларни бирлаштирувчи омиларга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Лекин, Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби фақиҳлар қадим анъана ва урф-одатларига содиқ туриб, маҳаллий халқнинг диний-маърифий ҳаётини оширишга доим интилганлар. Табиий равишда айни давр ва ҳолат учун фиқҳий масалалар тўғрисида ихтилофлардан йироқ мукамал асарларга эҳтиёж сезилган. Бу Убайдуллоҳ ибн Масъуд асарларининг ёзилишидаги бирламчи сабаб бўлса, иккинчиси уни одамларга тез ва тушунарли етказишдан иборат бўлган.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъалар оиласи вакили сифатида ҳанафий фиқҳининг устозига айланди. У бобосининг тарбиясида камол топиб, калом, мантиқ, фалсафа, фиқҳ, тилишунослик, ҳисоб, ҳикмат илми, тарих каби ва бошқа фанларни ўзлаштириб, айниқса, фиқҳ илмида етук аллома сифатида танилди ва ҳанафий мазҳабининг атоқли ҳамда сермахсул олимларидан бири сифатида қатор шогирдлар ҳам чиқариб, ўз асри ва кейинги даврлар учун самарали ижод намуналарини қолдира олди.

Мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа тасниф этган бир неча асарлар тадқиқ қилинган. Олим усули фиқҳ, калом, мантиқ, фалсафага оид мўътазилла ва ашъарийларнинг қарашларини ўрганиб, ўзининг қатор асарлари орқали уларни илмий асослаб беришга ҳаракат қилган. У ўздан аввал Шарқ оламига кенг танилган ҳанафий мазҳаб соҳиблари томонидан тасниф этилган оригинал манбаларга таянгани таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа масалаларга кирилишида бошқа мазҳаб олимларининг қарашлари ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа, ҳанафийлик, фиқҳ, усули, фиқҳ, Мовароуннахр, Бухоро, Кат шаҳри, мўғуллар даври, фатаво китоблари, Тавзиҳ, Мухтасар ал-Виқоя, мадраса.

Аннотация: Деятельность Садра аш-Шариа совпала с темным пятном ислама в Мавараннахре, когда вспыхнули беспорядки, учёные были казнены, а их книги сожжены.

Круг научных проблем источниковедения и историографии темы в данной статье связаны с тем, что Садр аш-Шариа известен своими знаниями и трудами, твердо придерживается ханафитского пути матуридизма и изучается как классический муджтахид, который никогда не прекращал своих усилий по распространению знаний даже в трудные общественно-политические времена.

В Мавараннахре данные обстоятельства длились почти сто пятьдесят лет. Первая половина XIV века была последним периодом этих кризисов, с одной стороны, хотя, с другой стороны, наблюдалось и относительное развитие, осложняемое усилением угнетения трудящихся масс в различных сферах жизни.

Сегодня благодаря изучению научного и духовного наследия ученых Бухары подтверждаются все

достижения региона в науке. По данным исследования известно, что культурные и образовательные традиции региона были полностью сохранены благодаря плодотворной работе бухарских правоведов. Оставленное ими научное наследие служит важным источником для изучения деятельности предков. Одним из таких предков является Садр аш-Шариа Убайдулла ибн Масуд. Ученый оставил неизгладимый след среди истоков исламской религии своим плодотворным служением.

Общеизвестно, что творческая деятельность Убайдуллы ибн Масуда совпала с периодом монгольского нашествия, а также влияния в этот период различных ложных течений, таких как мутазилия, кадирия, джабария и карматия, поэтому автор писал тексты легко и быстро, и учитывал методы основательного усвоения. Потому что упадок знаний и просвещения в монгольский период сказался даже на факторах, объединяющих людей. Однако такие юристы, как Убайдулла ибн Масуд, были верны древним традициям и обычаям и всегда стремились улучшить религиозную и образовательную жизнь местного населения. Естественно, возникла потребность в совершенных работах по вопросам юриспруденции для того же периода и ситуации. Это была основная причина написания произведений Убайдуллы ибн Масуда, а вторая заключалась в том, чтобы донести их до людей оперативно и ясно.

Убайдулла ибн Масуд Садр стал учителем ханафитского правоведения как представитель аш-шариатской семьи. Он вырос, воспитываемый дедом, овладел словом, логикой, философией, правоведением, лингвистикой, арифметикой, наукой мудрости, историей и другими предметами, особенно в науке юриспруденции, он был известен как зрелый учёный и как человек высоких личных качеств. Среди известных и плодовитых ученых ханафитского мазхаба есть также ряд и его учеников, таким образом, ученый оставил впечатляющие образцы творчества своему веку и последующим периодам.

В статье исследуются несколько работ, классифицированных Убайдуллой ибн Масудом Садром аш-Шариа. Ученый изучал взгляды мутазитов и ашаритов на юриспруденцию, калам, логику и философию и пытался их научно обосновать в своих многочисленных трудах. Анализируется, что он опирался на первоисточники, классифицированные мастерами ханафитской школы, широко известными до него в восточном мире. В статье также анализируются взгляды ученых других сект Убайдуллы ибн Масуда Садра аш-Шариата.

Ключевые слова: Убайдулла ибн Масуд Садр аш-Шариа, ханафизм, фикх, метод, юриспруденция, Мавараннахр, Бухара, город Кат, монгольский период, книги фетв, Таузих, Мухтасар аль-Викайя, медресе.

Annotation: The creative period of Sadr al-Shari'a coincided with the dark spot of Islam in Mowarounnahr, when riots were raging, scholars were executed and their books were burned.

The problems of source studies and historiography of the topic in this article are related to the fact that Sadr al-Sharia

is known for his knowledge and works, he firmly adhered to the path of Hanafism from Moturidi, and he is studied as a classic mujtahid who never stopped his efforts to spread knowledge even in difficult socio-political times.

In Mowarounnahr, this riot lasted for nearly one hundred and fifty years. The first half of the 14th century was the last period of these crises, on the one hand, although relative development, on the other hand, the oppression of the working masses increased in various ways.

Today, thanks to the study of the scientific and spiritual heritage of scientists from Bukhara, all the achievements of the region in science are being proven. According to research, it is known that the cultural and educational traditions of the region have been fully preserved due to the effective works of Bukhara faqihs. The scientific heritage left by them serves as an important source for studying the activities of ancestors. One of these ancestors is Sadr al-Shari'a Ubaydullah ibn Mas'ud. The scholar left an immortal track on Islamic source studies through his concise and fruitful service.

Since Ubaydullah ibn Mas'ud's creative activity coincided with the period of the Mongol invasion, as well as the influence of various false movements such as Mu'tazili, Qadiri, Jabari, and Qarmatii increased during that period, it is natural that the author took into account the methods of solid acquisition, taking lightly and quickly in the classification of written texts. Because the decline of knowledge and enlightenment during the Mongol period had its effect even on the factors that unite people. However, faqihs like Ubaidullah ibn Mas'ud were loyal to ancient traditions and customs, and always sought to improve the religious and educational life of the people and their consciousness. Naturally, at that period there was a need for perfect works, far from disputes, on Fiqh issues and situation. This was the primary reason for Ubaydullah ibn Mas'ud to write the book, and the second was to convey it to people quickly and clearly.

Ubaydullah ibn Mas'ud Sadr became a teacher of Hanafi jurisprudence as a representative of the ash-Sharia family. He matured under the guidance of his grandfather, mastered the sciences of kalam, logic, philosophy, jurisprudence, linguistics, calculation, history and other subjects, and became known as a mature scholar, especially in the science of jurisprudence. As one of the most famous and prolific scholars of the Hanafi school, he mentored a number of disciples and left effective examples of his books for his century and the following periods.

The article examines several works classified by Ubaidullah ibn Mas'ud Sadr al-Shari'a. The scientist studied the views of Mu'tazilites and Ash'aris on jurisprudence, kalam, logic, and philosophy and tried to substantiate them scientifically through his many works. He relied on the original sources classified before him by the masters of the Hanafi school, widely known in the Eastern world. The article also analyzes the views of scholars of other madhabs when Ubaidullah ibn Mas'ud approached the issues.

Keywords: Ubaydullah ibn Mas'ud Sadr ash-Sharia, Hanafism, jurisprudence, Mowarounnahr, Bukhara, the city of Kat, the Mongol period, fatawa books, Tawzih, Mukhtasar al-Wiqaya, madrasah.

КИРИШ

Мовароуннахрда ханафийлик мазҳабининг тарқалиши мил. IX аср бошларида Ироқ фикҳ мактабининг йирик намоёниси Имом Аъзамнинг шогирдлари орқали кечган. Қорахонийлар бошқарувида давлат ишлари ханафий фикҳи асосида юритилган. Бу ҳолат, ўлкада янги бир уйғониш ва мазҳабнинг кейинги ривожланишини таъминлаб бериб, унда Шамсул аимма Ҳалвойи (ваф.448/1057) муҳим ўрин тутди. Манбаларга кўра, Бухоро фикҳ илми силсиласи айнан Ҳалвойида бирлашади. Унинг “Ал-Мабсут”, “Китоб ан-Наводир” номли катта ҳажмли асарлари муаллифни ислом оламига кенг танитди (Садриддин Салим Бухорий, 2012:76).

Кейинчалик Абу Ҳанифа шогирдлари томонидан Мовароуннахрда ёйилган фикҳ илми Бухорода Абу Ҳафс ал-Кабир (ваф.217/833) фаолияти орқали ривож топди (Ahmet Ozel, 2006:20). Кейинчалик мўғул истилоси туфайли бу ўлка мусулмонлари учун жанубдан шимолгача кўп қайғули ва истиробли даврга айланди. Бунда айниқса илм аҳли ва уларнинг авлодлари қаттиқ зарар кўрди. Маҳаллий олимларнинг аксарияти бир манзилдан бошқа манзилга қочишдан бошқа чора топмади. Мана шу даврдан “риҳла” (кўчиб ўтиш) муассасалари ўртага чиқди, дейиш мумкин.

Бироқ, ислом маданияти бошқа илм марказлари фаолияти хусусан, жанубдаги қўшни давлатлар Ҳиндистон, шимолда Андалусгача етиб бориб, илмий муҳит анча тараққий этгани кузатилади. Бу ўлкаларда таълиф ва тадрис ишлари бир қанча бошқа илмларга туртки бериб, улар кўпроқ маҳаллий ҳукмдорлар томонидан ривожлантирилди (Насруллаев Н, 2001:59-63).

Бу даврда Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид араб тилидаги оригинал илмий асарлар яратиш, диний ривоятларнинг нуфузли иснодлар (занжирлар) орқали узатилишининг кескин камайиши кузатилади (Муминов А, 2003:46). Шунингдек, усул ва фуруъ ал-фикҳга оид қўлланмалар яратиш камайиб, асосан аввалда ёзилганларини шарҳлаш, хошиялар ёзиш, таржима қилиш, насрий ва назмий матнлар битиш билан характерланади. Шундай бўлса-да, ўлка бўйлаб “фатаво” жанрида тасниф этилган асарлар кенг ёйила бошлади. Асли бу ҳолат, мазҳаб имомларининг шогирдлари ва улардан кейинги табақалар давридан оммалашган эди. Улар орасида, Абу Лайс Самарқандийнинг “Навозил” (Нозил бўлганлар), Садр аш-Шаҳид ва Абул Аббос Нотифийнинг “Воқеъот” (Воқеалар), Садр ал-Кабир Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазизнинг

(ваф.536/1141) “Фатавои Кубро” (ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Р:7857) (Катта фатволар), Имом Фаҳриддин Ҳасан ибн Мансур Ўзгандийнинг (ваф.592/1196) “Фатовои Қозихон” (ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Р:11588, 5959) (Қозихон фатволари), имом Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб Баззознинг (ваф.828/1495) “Фатавои Баззозия” (ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Р:2387, 5157, 2983) (Баззозий фатволари) каби фатво китоблари тартибга солинди. Одатда, фатво мажмуалари усул ва наводир жанридаги асарлардан кейинги даражадаги манбалар ҳисобланади. Чунки, усул ва наводирлар мазҳаббошиларнинг қавллари (сўзлари) сирасига киради. Фатво ва воқеаларни ўзида жам қилган китоблар эса, мужтаҳидларнинг кейинги издошлари томонидан ечилган масалаларга оид бўлади.

Яна бир жиҳат, албатта бу давр манбаларини таҳлил этиш натижаси араб тили билан тенг ўринда форсий ва туркий тилларидаги ижод намуналарини ҳам дунёга келтирганини кўрсатмоқда. Бу эса, давр талабидан келиб чиққан ҳолат бўлиб, албатта мовароуннахрлик олимлар ўз ижодларида мазкур ҳудудда яшовчи маҳаллий халқларнинг талаб ва истакларини инобатга олганликлари билан боғлиқ.

УСЛУБЛАР

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ижод фаолияти олимлар асарлари ҳамда талқинотчилар изланишлари асосида ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик таҳлил этиш каби усулларидадан фойдаланилди.

Ушбу мақолада сўз юритмоқчи бўлган муаллифимиз Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шарифанинг замондошлари орасида ҳам Бухородан: Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд Бухорий ал-Маҳбубий (747/1346 йили ҳаёт бўлган), Салоҳ ибн Муборак Бухорий (785/1383 йили ҳаёт бўлган), Ҳусайн ибн Ҳажжож Сигноқий Бухорий (ваф.774/1372), Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорий (ваф.730/1330), Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ризвон (ваф.718/1318), Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Али Бухорий (ваф.734/1334), Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (ваф.779/1377), Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбандий (ваф.791/1389), Насруллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Аҳмад ибн Исмоил Ажамий Рўёний Бухорий (ваф.766/1365) каби ва бошқалар ханафий мазҳаб олимлари етишиб чиқди (Насруллаев Н, 2021:10-12).

Муаллифимиз Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳам асли мовароуннахрлик уламолар оиласига мансуб. У ота тарафдан бобоси “Тож аш-шарифа” Умар; Она томондан бобоси, “Бурҳон аш-шарифа” Масъуддир.

Садр аш-шариъа ал-аввал – Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ҳам она ҳам ота томонидан отаси ҳисобланади. У зод томонидан таълиф этилган “Виқоя” китобига муаллифнинг ўзи шарҳ ёзиб, унга “Никоя” (Нуқоя) номини берган. Унинг бу шарҳига кейинги давр олимлари хусусан, Аҳий Чалабий, Ҳасан Чалабий ва Биргивийнинг ёзган ҳошиялари асарнинг машҳурлигини янада ошириб юборган. Соҳиби “Никоя” ўз юрти Бухорода вафот этган (Ekrem Bugra Ekinci, 2015:191).

Садр аш-шариъа – Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Кирмоний; Садр аш-шариъа ас-соний Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа Умар ибн Садр аш-шариъа ал-аввал Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий ҳанафий фақиҳи ва калом олими (Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий, 2021:7-8).

Силсиласи, Убайда ибн Собитга нисбатан – ал-Ансорий; катта бобоси Жамолиддин ал-Маҳбубийга нисбатан – ал-Маҳбубий; эргашган мазҳабига кўра – ал-Ҳанафий; ҳаёт кечирган шаҳарларига кўра – ал-Кирмоний ва ал-Бухорийдир. Бобоси Садр аш-шариъа “ал-Аввал” туфайли – “ас-Санӣй”, “ал-Акбар” туфайли эса “ал-Асғар”дир. Лақаблари ва исмларининг ичида энг кўп қўлланилгани “Садр аш-шариъа” ҳисобланади. Талабалари орасида ҳам унинг мана шу исми маъруф. Фикҳий китоблар ва бошқа манбаларда ҳам мазкур исм билан тилга олинган. Садуш шариа лақаби муаллиф яшаган асрда Мовароуннаҳрда кенг қўлланилди. Кейинчалик бу лақаб ҳанафий фикҳида мутлақ Убайдуллоҳ ибн Масъуд учун қабул қилинди (Насруллаев Н, 2022:70).

Ҳиндистонлик машҳур олим Абдулҳай Лакнавийнинг ёзишича, Саййид Димётӣ “Таолийк ал-анвор ала дурр ал-мухтор” (“Дурр ал-мухтор китобига ёрқин ҳошиялар”) номли асарида, унинг насл насабини Пайғамбар алайҳис саломнинг машҳур саҳобаларидан бири Убода ибн Сомит (р.а.)га боғлайди. Жумладан, у бундай деб ёзади: “Устозимиз Саййид Муртазо Ҳусайн силсиласида кўрдимки, Садр аш-шариъанинг насабини куйидагидек, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа Маҳмуд ибн катта Садр аш-шариъа Аҳмад ибн Жамолиддин Абулмакорим Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳбуб ибн Валид ибн Убода ибн Сомит ал-Ансорий ал-Маҳбубий”, зикр этган (Абдулҳаким Шарӣй Жўзжонӣ, 2002:199).

Алломанинг кунyasi “Тож аш-шариъа” эканидан келиб чиқиб, шарқ анъанасига мувофиқ унинг ҳанафий мазҳаби ҳимоячиси экани тушунилса,

“Бухорий” нисбасидан унинг туғилиб ўсган жойи қадим Бухоро шаҳрига ишоратан берилган. Муаллиф баъзи араб тилидаги манбаларда “Ҳиротий” ёки “Кирмоний” нисбаси билан ҳам зикр қилинади. Алломанинг машҳур фақиҳ бўлиб етишишига ўша давр илмий муҳити ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Чунки, Бухоро тарихи Марказий Осиёнинг энг кўхна шаҳарлари – Самарқанд, Кеш, Хива тарихи сингари қадимийдир (Ҳерман Вамбери, 1990:96). Самарқанд, Бухоро шаҳарларидан илм-фан соҳасидаги салмоқли ишлари билан дунёга танилган уламолар етишиб чиққан. Манбаларда биргина Бухородан XII-XIII асрларда уч юздан ортиқ олимлар жумладан, муҳаддис, муфассир, фақиҳ, мутакаллим, муаррих ва тилчилар етишиб чиққани қайд этилади (Насруллаев Н, 2021:59-63).

НАТИЖАЛАР

Мовароуннаҳр тарихда ҳанафий фикҳининг маркази сифатида шуҳрат қозонди. Бу минтақада битилган асарларнинг аксарияти ҳанафий фикҳига мансуб. Шу боис ҳанафий мазҳабига, “Мовароуннаҳр мазҳаби” деб ҳам ном берилган. Ҳанафий мазҳаби Шарқ оламида ёйилар экан, ривож топиб, тобора кучайиб борди. Дабусий, Ҳалвоӣй, Сарахсий, Баздавий, Самарқандий каби бир қанча машҳур ҳанафий фақиҳлари ушбу муҳитдан етишиб чиқди (Kavakci, Yusuf Ziya, 1976:305).

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа (ваф.1347) ҳам мана шу ўлкадан етишиб чиққан ҳанафий мактабининг машҳур фақиҳларидан саналади. Шубҳасиз уни машҳурлик даражасига кўтарган сабаблардан бири ҳам мазҳабга эргашгани ва уни ҳимоя қилгани билан боғлиқ (Насруллаев Н, 2022:70). У зот силсилали уламолар оиласига мансуб бўлиб, отаси ва бобосидан илм тақсил қилган. Ақлий ва нақлий илмлардан, илми фикҳ, усул ва дақиқ соҳиби эканидан унинг асарлари давр уламолари наздида мақбул ҳамда омма орасига кенг тарқалиб улгурди (Ahmet Ozel, 2006:81).

“Фатҳул мубин” асарида Убайдуллоҳ ибн Масъудга “Садр аш-шариъа” лақабининг берилиши ҳақида жумладан: “Убайдуллоҳ усули фикҳ ва фуруъ, ақлий ва нақлий илмларнинг ҳокими эди. Мана шу эътибордан у тенгдошлари орасида “Садр аш-шариъа” исми билан танилди”, дейилади.

Бухоро тарихи ҳақида баҳс юритилган манбаларда “садр” номидан диний, сиёсий, идоравий аҳамият касб этган бир сўз тушунилган. Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларда ўз ҳукумронлигини ўрнатган Қорахонийлар сулоласи ўлкада ҳанафийлик мазҳабига мансуб “Бурҳон”

оиласи тарғиботларидан фойдаланди. Бухородаги таниқли илк садр Бурҳон оиласи бўлиб, ундан кейин “иккинчи Абу Ҳанифа” деб танилган машҳур Шамсиддин ибн Моза оиласи турар эди. Кейинчалик бу бошқарув тизими Садр аш-шариъанинг бобоси Шамсиддин ал-Маҳбубий (Садр аш-шариъа ал-аввал ва ёки ал-акбар) воситасида Маҳбубийлар оиласига ўтди.

Вамбери, “Мовароуннаҳрда тақвosi ва ишончилиги билан машҳур бўлган нуфузли олимларга бу лақаб берилар эди”, дейди (Ҳерман Вамбери, 1990:53).

Хайриддин Караман: “Қорақуюнли ва Окқуюнлиларда давлатнинг адлий ва диний ишларида Садр ва Садорат маҳкамаларига қозилар қарар эди” (Hayreddin Karaman, 2004:259).

Бу маълумотлардан шу нарса аён бўладики, Садр аш-шариъа лақаби у даврда фақат илмий бир лақаб эмас балки, муфтийлик, қозилик мақомидагилар учун маҳаллий бир унвон вазифасини ҳам бажарган эди. Зеро, машҳур сайёҳ ибн Баттута: “ал-Кат” шаҳрига келганимиздан хабардор бўлган Садр аш-шариъа номи билан танилган ал-Кат қозиси талабалари ила менга пешвоз чиқди..., дейди (Ибн Баттута Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Танжий, 1417: 366-368).

Садр аш-шариъанинг насаби ўрганилар экан, ҳар икки бобоси тўғрисидаги ёзма асарлар ва замонавий адабиётларда турфа хиллик маълумотлар кузатилади. Бу чалкашликларни умумлаштирган турк олими Шукру Ўзен ўз мақоласида: “Ота ва оналари томонидан боболари ака-ука бўлиб, Садр аш-шариъа ал-аввалнинг ўғилларидан Тож аш-шариъа Умарнинг ўғли билан бошқа ўғли Бурҳон аш-шариъа Маҳмуднинг қизи бир-бири билан турмуш қуриб ва бу турмушдан дунёга келган Масъуд, Тож аш-шариъа ас-соний отаси бўлган” деб айтади (Sukru Ozen, 2016:427).

Садр аш-шариъанинг ёшлик чоғлари, Бухоронинг мўғуллар томонидан истило этилиши ва шаҳарнинг ички низолар гирдобидида қолиб катта талофат кўриши даврига тўғри келди. Бу даврда унинг икки Бурҳон аш-шариа ва Садр аш-шариъа исмли боболари мўғуллар босқини ва зулмидан яшириниб, Қутлуғхонлилар ҳукмронлигига қарашли Кирмонга кўчиб ўтдилар. Ҳукмдор Қутлуғ Туркон уларнинг юксак эътиборидан хабардор бўлгани боис, икковларини ҳам Кутубийа мадрасасига мударрис этиб тайинлади. Кирмонда боболари Тож аш-шариъа ва Бурҳон аш-шариъалар вафот этди (Салоҳ Муҳаммад Абу ал-Ҳож, 2006:63). Бобоси Тож аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг таълим олиши билан шуғулланган ва “Викоя ар-

Ривоя” асарини унинг осон ўзлаштириши учун ёзиб берган эди. Бу маълумот ибн Масъуднинг дастлабки таълимни Кирмон шаҳрида олганига далолат қилади (Насруллаев Н, 2022:70).

Муҳаммад ибн Муборакшоҳ ал-Мантикийнинг Ҳирот шаҳрида Садр аш-шариъадан илм ўқигани тўғрисидаги маълумотга кўра, ибн Баттута ҳижрий 733/1333 йилда Бухорога саёҳатида Ҳиротдан яқиндагина келган Садр аш-шариъа билан кўришганидан, бобосининг вафотидан сўнг мазкур шаҳардан ўз ватанига қайтгани ва мана шу ерда умрининг охиригача муқим яшаб, асарлар таълиф этгани ва қатор шогирдларга дарс бергани қайд этилади (Ибн Баттута Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Танжий, 1417: 366-368).

Садр аш-шариъа илмга теран бўлган бир оилада таваллуд топди. Оилада илм занжирлари отадан ўғилга ўтган. Яъни унинг илм силсиласи насаб силсиласи каби. У зотнинг ота-боболари илмда кадр топганларидан Садр аш-шариъа ҳам илму ирфонда камол топди. (Насруллаев Н, 2022:70). У она томондан бобоси Бурҳон аш-шариъа ила ота томонидан бобоси Тож аш-шариъадан, улар боболари иккинчи Абу Ҳанифадан деб эътироф этилган Жамолиддин Маҳбубийдан (ваф.630/1233), у Имоуддин (Абул Маҳосин Рукнул Ислоҳ Садиддун Муҳаммад ибн Абубакр ал-Бухорий) (ваф.573/1178)дан; у Шамсул аимма Заранжарийдан (ваф.512/1119), у Сарахсийдан (ваф.483/1091); у Ҳалвоийдан (ваф.448/1057); у эса, Абу Али ан-Насафийдан (ваф.424/1033) ...илм таҳсил этган (Абдулҳай Лакнавий, 2018:46-49).

Илм таҳсилида Садр аш-шариъа оиласидан катта дастак олди. У энг унумли илм сабоқларини илк устози “ал-Викоя” асарининг муаллифи Тож аш-шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-шариъадан ўзлаштирди. Тожуш шарианинг устозлари энг бошида отаси буюк Садр аш-шариъа ва бобоси Жамолиддин ал-Маҳбубий туради. Кичик Садр аш-шариа ал-Маҳбубий кунясини бу бобосидан олган (Насруллаев Н, 2021:254-260).

Садр аш-шариъа фикҳ ва усули фикҳ илмларни ўзлаштиришда бобоси Тож аш-шариъа ёзган “ал-Викоя”ни ёд олишга киришди ва уни мукамал ҳифз қилди. Бу маълумотни Садр аш-шариъа ўзининг “Шарҳ ал-Викоя” асарининг муқаддимасида мана шундай ифода этади: “Бу асарни бобом, ҳазратим, устозим, устозларнинг-устози Бурҳон аш-шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-шариъа менинг ёдлашим учун ёзди. У зот ушбу асарни босқичма-босқич тасниф этди, токи мен асарни ёдлаб борардим. Шундай қилиб, китобнинг ёзилиб тугатилиши мен уни ёд олишим билан бир вақтда ниҳоясига етди”, деб

келтиради. “Ал-Викоя”ни тўлиқ ёд олган Садр аш-шариъа кейинчалик унга “ан-Ниқоя” номли мухтасар шарҳ ёзди (Абдулҳай Лакнавий, 2018:90-110).

Ушбу ўринда Садр аш-шариъанинг устозлари ҳақидаги баъзи маълумотларни очиқлаш мумкин. Бундан унинг қайси табақа ва қайси мактаб вакили экани аниқ намоён бўлади. Демак, у зиёлийлар хонадонда дунёга келган. Унинг манбаларда келган устозлари асосан оиласи даврасидан. Оиладан ташқаридаги ягона устози Ҳасан Булғорий (Мухамедов Н., 2019:29-33). ҳисобланади (Насруллаев Н, 2021:10-21). Манбаларда оила ичидаги устози Бурҳон аш-шариъа ҳақида ҳам ижобий фикрларнинг айтилгани, унинг илмий шахсияти етарли даражада бўлганини билдиради. У зот, “Олим, фозил, комил усто, илмда дарё, усталикда фохир, порлаган бир юлдуз, муҳаққик ва мудаққикдир” (Салоҳ Мухаммад Абу ал-Ҳож, 2006:35).

Тошкўпрузода “Мифтах ас-саода” номли асарида Тож аш-шариъа билан боғлиқ қуйидаги маълумотни келтиради: “Илми комил ва фазилатли олим”. “Ниқоя ал-кифоя фи дироят ал-Ҳидоя” (Ҳанафий фикҳининг энг танилган ва мўътабар матнларидан бири бўлиб, Қудурийга оид “ал-Мухтасар” билан Имом Мухаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “ал-Жомеъус сагир”даги мавжуд масалаларни умумлаштириб ёзилган “Бидоятул мубтадий” номли асарнинг шарҳидир. Асар бир неча бор нашр этилган бўлиб, унга олтмишдан зиёд шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Шарҳлари орасида биринчилардан бўлиб ёзилган “ан-Ниқоя” номли матн Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ас-Сиггоқийга тегишли эди. Шарҳ фақихнинг Халаб шаҳрида истиқомат қилган вақтида ҳижрий 1310 йилда ёзиб тугатилган. Уларнинг қатор ёзма нусхалари жаҳоннинг турли Шарқ фондларида сақланиб келинмоқда) номли асар унинг қаламига тегишли. Бу асар Жалолиддин ал-Кирмонийга оид бўлган “ал-Кифоя Шарҳ ал-Ҳидоя” номли асар билан кўпинча адаштириб юборилади. Унга кўра, Тож аш-шариъанинг “Навозил” деб танилган “ал-Воқеът” ва “ал-Фатаво” номли асарлари ҳақида баҳс юритилади.

Демак, Садр аш-шариъа бўлиб камол топишида у ёшликдан бутун бир илмий ғайратини сарфлади. У аҳком ва масоил мавзуларидаги фикҳий асарларни ёд олди. Биргина “Тавзиҳ” асарида мурожаат этган манбалари унинг кўпроқ ақлий ва нақлий илмларга оид мавзулардан хабардор эканига ишора қилади (Насруллаев Н, 2023:36-40). Асарлари орасида жумладан калом ва фикҳга оид “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-танқиҳ”, “Муқаддима ал-арбаъа”, “Куллийатул фикҳ”, “Ан-Нуқоя фи масоил ал-

Ҳидоя”, “Шарҳ Мухтасар ал-Викоя”, ҳадис илмига оид “Ал-Мустатоба”, мантиқ илмига мансуб “Таъдил ал-улум”, тилшуносликка тегишли “Ал-Вишоҳ фил маоний вал баён”, араб грамматикасига оид “Шарҳ ал-фусул лил хамсин”, “Фи илмис сарф”, “Рисала фи илмил Аруз”, ислом тарихига оид “Рисалату таъвили қиссати Юсуф”, фатаво жанрида “Танқиҳ ал-уқуд”, “Фатавои Мовароуннаҳр” номли асарлар киради ва уларнинг барчаси бизгача етиб келган. Ҳанафийликка оид манбаларда Садр аш-шариъанинг усул ва фуруъ масалаларига оид билими ҳанафий олимлари учун куч-ғайрат ва фахр манбаи бўлганини илғаш мумкин. Усул, фуруъ ва табақот китобларида у ҳақида фақатгина мактовга сазовар фикрлар билдирилади (Насруллаев Н, 2022:70).

Кафавий (ваф.990/1582): *“Имомлиги, олимлигига заррача шубҳа йўқ, турли илмлардан воқиф, шаръий қонунларнинг ҳофизи, асл ва фаръ билан боғлиқ мушкilotларнинг очувчиси, усул ва фуруъда шайх, маъқул ва манқулда олим, усул, фикҳ, хилофиёт, жадал, ҳадис, тафсир, наҳв, лугат, адабиёт, назариёт, калом ва мантиқ илмларида етук олим. Ҳар бир илм соҳасида моҳир. Унинг илми зарбул масал бўлиб, илм ва адаб тимсолидир”* (Салоҳ Мухаммад Абу ал-Ҳож, 2006:40-41).

Садр аш-шариъанинг фикҳий томондан устун ва қувватли олим эканини Дорул фунун ҳуқуқ факультети муаллими Мухаммад Саййидбек мана шу ифодаalar билан келтиради: *“Маишхур усмонли олимларидан Мулла Хусрав “Дурар” ва “Мирот” асарларида Садр аш-шариъага нисбатан жуда кўп эътирозлар билдирганига қарамай, “Бизнинг Мулла Хусрав унинг яхши бир талабаси бўла олади, холос”* (Seyyid Bey, 2018:36).

Шу сабабдан бўлса керак ислом олимларининг кўпчилиги Садр аш-шариъани *“Имом ал-ҳумом ва Фаҳр ал-улам ал-аълам...”* сифатида васф этиб: *“Бу зот туби кўринмас денгиз, илмида ҳеч кимсанинг эриша олмаган олими эди, том бир мудаққик ва муҳаққик эди”*, дейдилар.

Саъдуддин ат-Тафтазоний (ваф.792/1389)га кўра, Садр аш-шариъа: *“Муҳаққик, мудаққик ва дироятли, ақлий ва нақлий мувозанатни маҳкам ушлаган, усул ва фуруъда мунаққих бир олимдир”*, деб тилга олинади.

Бу хусусни Мухаммад Саййид “Мадҳал” асарида шундай ифода этади: *“Садр аш-шариъа ҳанафий ва мотрудий бўлгани боис ўз тадқиқотларини шофеъий ва ашъарий олимларига хилоф равишида юритади. Доимо уларнинг фикр ва қарашларига раддия билдиради. Аллома Тафтазоний ҳам ашъарий бўлгани сабабли уларни (Шофеъий ва ашъарий олимларини) қўллаб Садр аш-шариъага қаршилик*

қилишга киришади. Иккиси ҳам буюк мудаққиқ ва муқтадир бўлганлари учун уларнинг изидан келган уламо бу икки муаллифнинг китобларини мароқ билан муталаа ва тадқиқ қилишга киришганлар. Шу сабабдан уларнинг асарларига кўп сонли ҳошиялар ёзилиб, бу икки олимнинг иддаоларини муҳокамага қўйиб келадилар” (Seyyid Bey, 2018:36).

Садр аш-шариъа мазҳаб қарашлари марказида ҳанафийларнинг уч машҳур имоми – Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирда Абу Юсуф ва имом Муҳаммад Шайбонийларнинг ғоялари ётади. Унинг наздида Имом Аъзам қарашлари бошқа мазҳаббошилардан фарқли жиҳатларга эга. Муаллиф асарларида аввал Абу Ҳанифанинг қарашларини бирламчи ўринга қўяди, муҳолифларга қарши Абу Ҳанифа таълимотларини қўллаб қувватлайди. Садр аш-шариъа ўз мазҳабини ҳимоя қилар экан, нафақат ҳанафий мужтаҳидларига тақлид қилади, балки нақлий ва ақлий далилларга таяниб, ўз қарашларини ҳам изҳор этади.

У ҳар қандай масалага киришишдан аввал уч имомнинг қарашларини зикр этади. Мужтаҳид сифатида далилларни эътиборга оларкан, илмий ва фикрий қаноатига кўра ҳаракат қилади. “*Мен айтдимки*” деб ўзининг қарашларини айтишдан асло чекинмайди. Кези келганда аввалги мужтаҳидларнинг усулдаги фикрларини ифода этиб, ҳанафий усулчилари тасбит этган қоидаларига таянади ва изоҳталаб ўринларни жойида очиқлайди. Масалан, Садр аш-шариъа, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг “*икки далил туфайли ўзга бир далил тарк этилмас*” (Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд, 2021:6-7) қарашларини нақл қилгач, ўз сўзига қуйидаги аниқликни киритиб ўтади; унга кўра қувватда тенг бўлган икки далил, миқдор жиҳатидан ҳам тенг бўлса таржиҳ шарт эмас. Яъни бир оят бошқа бир оят билан, бир оят ўзга икки оят билан ва ё бир ҳадис икки ҳадис билан, бир қиёс икки қиёс билан таъаруз этгани каби очиқланади. Буларнинг барчаси икки тенг далил бўлгани учун уларга таржиҳ ва қувват шарт эмас, дейилмоқда.

Қураший Садр аш-шариъанинг “Ат-Танқиҳ” асари ҳақида: “*Бу асарда Садр аш-шариъа Баздавий ва ибн Ҳожибнинг қарашларини жамлаб, ажойиб тарзда тартиблай олган. У бундай ишга қўл уриб, аввалги ҳанафий усулчиларининг асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Шафеийларга ҳилоф бўлган масалаларга ишончли далиллар орқали жавоб берган. Ақлий ва нақлий далилларни тасдиқлашда ҳанафий мазҳабига таянган*”, деб таъкидлайди.

Садр аш-шариъанинг “Танқиҳ” номли асари ва унинг шарҳи “Тавзиҳ”да мавзулар тартибига эътибор қаратилганда, унинг “қисм,

боб, фасл”ларга ажратилганини гувоҳи бўламиз. Фуқаҳо ва мутакаллимлар методига таянмасдан асар таълиф этган ва унда аралаш методини илк қўллай олган Садр аш-шариъа “Тавзиҳ”да ҳанафий олими Баздавийнинг “ал-Усул”, шофеъий олими Имом Розийнинг “ал-Маҳсул” ва Моликий олими Ибн ал-Ҳожибнинг “Мухтасар” асаридан унумли фойдаланган. “Тавзиҳ” масалалари таснифида номлари келтирилган асарлар ва мавзулари таснифи солиштирилганда Садр аш-шариъанинг бошқалардан фарқли усул соҳиби экани намоён бўлади (Насруллаев Н, 2023:29-34).

Садр аш-шариъа ўзидан аввалги ҳанафийлар каби суннатни иттисол эътиборидан мутавотир, машҳур ва оходларга бўлиб тақсимласа-да, машҳур ҳадиснинг аслида оход бўлганига урғу беради. Унга кўра, аҳамияти эътиборидан мутавотир суннат; илми яқин, машҳур суннат; илми туманли ва оход хабар эса, зонни ифода этади. Ҳар уч суннат тури ҳам амалий масалалар доирасида эътиборга олинади. Садр аш-шариъа, Баздавийга эргашиб мутавотир ва машҳур суннат устида кўп тўхталмай, балки бу сарлавҳа остида кўпроқ “хабари воҳид” ва “маънавий инқито” ҳақида фикр юритади.

Ҳанафий олимлари нафақат ижтимоий масалалар, балки ибодатга оид масалалар орқали ҳам жамиятни бирлик, яхшилик ва эзгуликка чорлаганлар. Бу уларнинг асарларида ҳам доимо ўз аксини топиб келган. Шу муносабат билан Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг яна бошқа бир “Мухтасар ал-Викоя” номли асари ҳам фикҳий масалалар ичидаги энг катта қисмни ташкил этган ижтимоий масалалар ва уларнинг қоидаларига оид мавзуларни қамраб олган эди (Насруллаев Н, 2016:63).

Шундай қилиб, ҳанафий фикҳида катта шухрат қозонган олим ва фазилат соҳиби бўлган Маҳбубийлар оиласи, Мовароуннаҳр ўлкасининг машҳур сулолаларидан бўлиб, шажараси ансорларга бориб тақалади. Садр аш-шариъанинг вафоти санаси ёзма асарларда турлича келтирилади. Масалан, Лакнавий, Кафавий ва Зиркли каби бир гуруҳ табакотчиларнинг таснифига кўра Садр аш-шариъа, ҳиж.747 йили жумодил охир ойи (1346 йил октябрь) Бухорода вафот этган. Қабри Бухородаги Шеробод кабристонида жойлашганлиги қайд этилади.

ХУЛОСА

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа Бухорий илмий фаолияти давомида қатор фан соҳаларига оид асарлар тасниф эта олди. Усули фикҳ, калом, мантик, фалсафага оид мўътазила ва

ашъарийларнинг қарашларини ўрганиб, ўзининг қатор асарлари орқали уларни илмий асослаб беришга ҳаракат қилди. Масалалар исботида Шарқ оламига кенг танилган ҳанафий мазҳаб соҳибларидан Дабусий, Ҳалвоий, Сарахсий, Баздавий, Самарқандий каби ва бошқа олимлар томонидан тасниф этилган оригинал манбаларга таянди. Шунингдек, масалаларга киришишда бошқа мазҳаб олимларининг қарашларини ҳам назардан четда қолдирмади.

Мовароуннаҳр худудида адашган фирқаларга барҳам беришда Абу Мансур Мотуридий, Абулқосим Самарқандий, Баздавий, Абул Муин Насафийлар қатори Убайдуллоҳ ибн Масъуд хизматлари ҳам эътиборга молик. Шу маънода, унинг қатор асарлари доим муҳим аҳамият касб этди ва мотуридийлик таълимоти ривожига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўрта ва кейинги асрларда яшаб ижод этган бухоролик фақиҳларнинг бой илмий мероси ва қарашлари бугун ҳам ислом ҳуқуқшунослигининг ноёб манбаларидан ҳисобланади. Шу боисдан уларни илмий таҳлил этиш, ҳолислик билан ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалар қаторида туради.

ФАЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ahmet Ozel. Hanefi Fikh Alimleri. – Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2006. 2. Baski. – S. 81.
2. Ekrem Bugra Ekinci. Islam Hukuku Tarihi. – Istanbul: Ari Sanat Yayınevi, 2015. 2. Baski. – S. 191.
3. Hayreddin Karaman. Islam Hukuk tarihi. – Istanbul: Iz yayincilik, 2004. 4-Baski. – B. 259.
4. Kavakcı, Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavara’ al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – S. 305.
5. Seyyid Bey. Fıkıh Usuluna Giriş. Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2018. – S. 36.
6. Sukru Ozen, “Sadrusseria”, DIA, XXXV. – Istanbul: 2016. – S. 427.
7. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Виқоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 46-49.
8. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Виқоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 52-54.
9. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Виқоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 90-110.
10. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. (Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – 199 б.
11. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. (Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – 256 б.
12. Ибн Баттута Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Танжий. “Рихлату ибн Баттута (Тухфатун назар фи гаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-асфар)”. – Работ, 1417. – Б. 366-368.
13. Мўминов А.К. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII / VIII-XIII асрлар): Тарих фан. док ... дис. Автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 46.
14. Мухтасар ал-Викоя таржимаси. (Туркий). – Қозон: Ака-ука Каримовлар матбааси, 1910. – 310 б.
15. Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH NOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iaau>.
16. Насруллаев Н. “Мухтасар ал-Викоя” асарининг туркий қўлёзмалари. Марказий Осиёда ислом цивилизацияси: ўтмиш ва ҳозирги замон. Илмий-амалий конференция. – Т.: 2021. – Б. 254-260.
17. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ Ибн Масъуд Ибн Тож аш-шариъа ва унинг “Мухтасар ал-Викоя” асари // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – №1. – Б. 63.
18. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари ҳақида. Moturidiylik // ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2023. – Б. 29-40.
19. Насруллаев Н.Х. XIII аср охири XIV аср бошларида бухоро шаҳри илмий муҳити // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 46(222). – P:59-63. URL:<https://internauka.org/journal/science/internauka/222>
20. Насруллаев Неъматулло Ҳикматуллаевич. “Тож аш-шариъа – Убайдуллоҳ ибн Масъуд фаолияти ва унинг “Мухтасар ал-Викоя” асари // Ислом зиёси. 4-сон. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси”, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – Б. 10-21.
21. Неъматулло Насруллаев. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. – Т.: “Mahalla va oila nashriyoti”, 2022. – 70 б.
22. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзих фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ват-Талвиҳ ила кашфи ҳақийқ ат-Танқиҳ. Маа ҳошия ат-Тавших. Лил Аллома Амир Али ибн Маъзум. – Покистон: Жамия ал-Бушрий ал-Хайрия, 2021. – Б. 7-8.
23. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табарруқ зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012. – Б. 76.
24. Садруш шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Ат-Тавзих фи ҳалли ғавомиз ат-танқиҳ”. – Покистон, Карачи: “Ал-Бушрий”, 2021. – Б. 6-7.
25. Салоҳ Муҳаммад Абу ал-Ҳож. Шарҳ ал-Викоя. – Уммон: Муасса ал-Варок, 2006. I-Ж. – Б. 40-41.
26. ЎзР ФА ШИ Қўлёзма. P:11588, 5959.
27. ЎзР ФА ШИ Қўлёзма. P:2387, 5157, 2983.
28. ЎзР ФА ШИ Қўлёзма. P:7857.

29. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи // Нашрга тайёрловчи: Аҳмедов С. – Т.: Ғофур Ғулом, 1990. – 96 б.

REFERENCES

- Ahmet Ozel. Hanefi Fikh Alimleri. – Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2006. 2. Baski. – S. 81.
- Ekrem Bugra Ekinci. Islam Hukuku Tarihi. – Istanbul: Ari Sanat Yayınevi, 2015. 2. Baski. – S. 191.
- Hayreddin Karaman. Islam Hukuk tarihi. – Istanbul: Iz yayincilik, 2004. 4-Baski. – B. 259.
- Kavakcı, Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – S. 305.
- Seyyid Bey. Fıkıh Usuluna Giriş. Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2018. – S. 36.
- Sukru Ozen, “Sadrusseria”, DIA, XXXV. – Istanbul: 2016. – S. 427.
- Abdulhay Laknaviy. Umdatur Rivoya ala Sharhil Viqoya. J-1. – Qohira: Dar al-Hadis, 2018. – B. 46-49.
- Abdulhay Laknaviy. Umdatur Rivoya ala Sharhil Viqoya. J-1. – Qohira: Dar al-Hadis, 2018. – B. 52-54.
- Abdulhay Laknaviy. Umdatur Rivoya ala Sharhil Viqoya. J-1. – Qohira: Dar al-Hadis, 2018. – B. 90-110.
- Abdulkhakim Shar'iy Jo'zjoni. Islom huquqshunosligi. (Hanafiy mazhabi va O'rta Osiyo faqihlari). – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2002. – 199 b.
- Abdulkhakim Shar'iy Jo'zjoni. Islom huquqshunosligi. (Hanafiy mazhabi va O'rta Osiyo faqihlari). – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2002. – 256 b.
- Ibn Battuta Muhammad ibn Abdulloh at-Tanjiy. “Rihlatu ibn Battuta (Tuhfatun nazar fi g'aroyib al-amsar va ajoyib al-asfar)”. – Rabot, 1417. – B. 366-368.
- Mo'minov A.K. Hanafiy ulamolarning Markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o'rni va roli (II-VII / VIII-XIII asrlar): Tarix fan. dok ... dis. Avtoref. – T.: TIU, 2003. – B. 46.
- Muxtasar al-Viqoya tarjimasi. (Turkiy). – Qozon: Akauka Karimovlar matbaasi, 1910. – 310 b.
- Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=ijau>.
- Nasrullayev N. “Muxtasar al-Viqoya” asarining turkiy qo'lyozmalari. Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasi: o'tmish va hozirgi zamon. Ilmiy-amaliy konferensiya. – T.: 2021. – B. 254-260.
- Nasrullayev N. Ubaydulloh Ibn Mas'ud Ibn Toj ash-shari'a va uning “Muxtasar al-Viqoya” asari // Ilmiy-tahliliy axborot. – Toshkent: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2016. - №1. – B. 63.
- Nasrullayev N. Ubaydulloh ibn Mas'udning “Tavzih” asari manbalari haqida. Moturidiylik // ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Toshkent: “O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot matbaa-birlashmasi, 2023. – B. 29-40.
- Nasrullayev N.X. XIII asr oxiri XIV asr boshlarida buxoro shahri ilmiy muhiti // Internauka: elektron. nauchn. jurn. 2021. № 46(222). – R:59-63. URL:<https://internauka.org/journal/science/internauka/222>
- Nasrullayev Ne'matullo Hikmatullayevich. “Toj ash-shari'a – Ubaydulloh ibn Mas'ud faoliyati va uning “Muxtasar al-Viqoya” asari // Islom ziyosi. 4-son. – Toshkent: “O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi”, nashriyot-matbaa birlashmasi, 2021. – B. 10-21.
- Ne'matullo Nasrullayev. Ubaydulloh ibn Mas'udning hayoti va ilmiy ma'naviy merosi. – T.: “Mahalla va oila nashriyoti”, 2022. – 70 b.
- Sadr ash-shari'a Ubaydulloh ibn Mas'ud al-Mahbubiy. At-Tavzih fi Halli g'avomiz at-Tanqih. Sa'duddin Mas'ud ibn Umar Taftazoniy. Vat-Talvih ila kashfi haqiqiy at-Tanqih. Maa hoshiya at-Tavshih. Lil Alloma Amir Ali ibn Ma'zum. – Pokiston: Jamiya al-Bushriy al-Xayriya, 2021. – B. 7-8.
- Sadriddin Salim Buxoriy. Buxoroning tabarruk ziyoratgohlari. – Buxoro: Durdona, 2012. – B. 76.
- Sadrush shari'a Ubaydulloh ibn Mas'ud. “At-Tavzih fi halli g'avomiz at-tankih”. – Pokiston, Karachi: “Al-Bushriy”, 2021. – B. 6-7.
- Saloh Muhammad Abu al-Hoj. Sharh al-Viqoya. – Ummon: Muassa al-Varoq, 2006. I-J. – B. 40-41.
- O'zR FA SHI Qo'lyozma. R:11588, 5959.
- O'zR FA SHI Qo'lyozma. R:2387, 5157, 2983.
- O'zR FA SHI Qo'lyozma. R:7857.
- Herman Vamberi. Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi // Nashrga tayyorlovchi: Ahmedov S. – T.: G'ofur G'ulom, 1990. – 96 b.